

УЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИНГ ЯНГИ САҲИФАЛАРИ



АДҲАМЖОН АШИРОВ

**“АВЕСТО”ДАН
МЕРОС
МАРОСИМЛАР**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ ИНСТИТУТИ

АДҲАМЖОН АШИРОВ

“АВЕСТО” ДАН
МЕРОС
МАРОСИМЛАР

*(ЎЗБЕК ХАЛҚИ ТУРМУШ ТАРЗИДА ЗАРДУШТИЙЛИК
ДИНИЙ МАРОСИМЛАР АНЪАНАСИ)*

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ МЕРОСИ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 2001

Аширов, Адҳамжон.

“Авесто”дан мерос маросимлар. Масъул муҳаррир: Д.А. Алимова — Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2001.— 32 б.

Эътиборингизга ҳавола қилинаётган ушбу рисола “Авесто”да зикр этилган зардуштийлик анъана, маросимлари ва уларнинг ўзбек халқи урф-одатларидаги изларига бағишланган. Мазкур китоб ёзма, тарихий, этнографик ва бошқа манбалар асосида ёзилган бўлиб, унда халқимизнинг оила-турмуш маросимлари, Наврўз, лола ва бойчечак сайли каби байрамлари таҳлил қилинади.

Китоб илмий-оммабоп услубда ёзилган бўлиб тарихчиларга, этнографларга ва олий ўқув юртларни талабаларига, умуман ўзбек халқининг урф-одат ва маросимлари билан қизиққан кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ББК 63.5+86.31

Масъул муҳаррир:

Тарих фанлари доктори Д.А. Алимова

Тақризчилар:

Филология фанлари доктори А.К. Хонидов,

Филология фанлари доктори В.М. Куроев.



ISBN 5-86484-068-8

К 0503000000 — 285 — 2001
M361(04) — 2001

© Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001

МУҚАДДИМА

Дунёда янги динларни инсонларга етказувчи, ижтимоий-маданий ҳаётда ва тарихда ўчмас из қолдирган сиймолар кўп бўлган. Шулардан бири Зардуштдир. У эрамиздан олдинги VII асрнинг охири ва VI асрнинг биринчи ярмида Ахурамаздани якка-ягона Тангри деб эълон қилиб, тарихда биринчи бор ваҳдоният ғоясига таянган — зардуштийлик динига асос солган. Зардуштийлик дини бундан 2,5 минг йил муқаддам, Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиёдаги кўпгина давлатларга ҳамда Кавказортининг баъзи ҳудудларига ёйилган.

Эрамиздан олдинги VI—V асрлардаги қадимги юнон олимларининг асарларида илк бор Зардуштнинг номи учрайди. Юнонлар уни Зороастра, у асос солган динни эса “зороастризм” номи билан юритишган.

Бугунги кунгача зардуштийликка оид қатор тадқиқотлар яратилган бўлиб, уларнинг аксарияти зардуштийлик назарияси, фалсафаси ва унинг тарихига бағишланган¹. Ҳозирга қадар чоп этилган баъзи китоб ва мақолаларда Зардушт ва у яратган дин “мажусийлик”, “оташпарастлик” деб, нотўғри талқин этиб келинди. Халқимиз оловпараст, бутпараст сўзлари билан таҳқирланди. Бу билан улар инсоният тарихида чуқур из қолдирган жаҳондаги дастлабки дунёвий дин — зардуштийликни таҳқирлашга ва унинг жаҳон халқлари маънавий тараққиётида тутган ўрнини камситишга уриндилар. Шу ўринда бевосита савол туғилади. Хўш, аслида қандай бўлган? Зардуштийлик аслида қандай дин?.. Шундай, саволларга жавоб бериш учун аввало далилларга ва манбаларга мурожаат этмоғимиз даркор.

Замондошимиз, бельгиялик олим Жак Дюшен Гийёмен “Заратуштра гимнлари” таржимасининг сўз боши-

сида куйидагиларни қайд қилади: “Шарқ ўғлонлари орасидан Фарб биринчи бўлиб Заратуштрани ўғил қилиб олди. Унинг таълимоти Христос таълимотидан тўрт аср аввал Грецияни бойитди. Заратуштрани Платон билган. Будда ва Конфуцийларнинг овози Европага етиб келгунча жуда кўп вақт керак бўлди, шунинг учун асрлар давомида Фарб қадимий Шарқ донишмандлиги билан фақат Заратуштра орқали таниш бўлган”².

Дарҳақиқат, милoddан олдинги V—VI асрлардаги қадимги юнон олимларининг асарларида илк бор Зардуштининг номи учрайди. Юнонлар уни Зороастер ва Зороастера, у асос солган динни эса “зороастризм” номи билан юритишган³.

Зардушт Спитама қавмидан (сўғдийча Спитамен деган исм ҳам шундан келиб чиққан бўлса керак — А.А.) бўлиб, отасини — Пурушасп, онасини — Дуғдова деб атаганлар. Спитама қавми афсонавий уруғ бўлмасдан, балки тарихда бўлганлиги нафақат “Авесто”да, балки қадимги юнон ва форсий манбаларда ҳам зикр этилган⁴.

Зардушт ислоҳотлари диний жиҳатдан ҳам, ижтимоий жиҳатдан ҳам битта улуг ва донишманд илоҳ Ахурамаздага сифинишга ҳамда Ахурамазданинг душманлари деб эълон қилинган собиқ қабила худолари — жодугарлар ва девларга қарши курашга олиб келади. “Ахурамазда” атмаси эса “Доно ҳукмрон” ёки “Доно илоҳ” маъносини билдирган⁵.

Зардуштийлик таълимотига кўра, бу дунёнинг боши бўлганлиги каби охири ҳам муқаррар, яъни борлиқ вақт ва замон ўлчамида чексиз эмас. Ҳаёт эса яхшилик ва ёмонлик, рост ва ёлғон, ёруғлик ва зулмат ўртасидаги доимий ва келиштириб бўлмайдиган курашлардан иборат. Ёруғлик, яхшилик ва эзгулик кучларини Ахурамазда, қора зулмат кучларини эса бузғунчи руҳ Анграманю (Аҳриман) бошқаради. Аҳриман қўшинларига девлар, олдинги худолар, ҳасад, ялқовлик, ёлғончилик каби жонлантирилган ёмон тушунчалар, ёвуз кучлар ва жодугарлар кирган бўлиб, улар оловга, ерга, сувга, чорвага зиён етказишга ҳаракат қилганлар. Аҳриман ўлимни, қишни, совуқни, жазирама иссиқни, зарарли ҳайвонларни ва ҳашаротларни яратган. Ахурамазда эса яхшилик, соғлиқ

ва бахт келтирувчи илоҳ ҳисобланган. Зардушт “Биз Ахурамаздани улуғлаймиз, у чорвани, сувни, ўсимликларни ва ёруғликни яратган” — деб айтади⁶. Ахурамазда ҳаётни ва ер юзидаги дастлабки одам — Йимани яратувчи илоҳдир.

Зардуштийлик фалсафасига кўра яхшилик ва ёмонлик инсонларнинг ботиний олами, яъни ички дунёсида яшайди. Инсон эса Ахурамазда руҳидан яратилганлиги туфайли яхшилик учун курашмоғи зарур. Лекин бу дунёнинг асослари яратилишида Аҳриман аралашганлиги сабабли инсон қалби ҳам, бутун дунё каби яхшилик ва ёмонлик, сабр билан нафс, саховат билан ҳасад каби эзгу ва қабих хусусиятлар кураши майдонидир. Шу туфайли ҳар бир зардуштий таълимотини қабул қилган шахс ўзини беҳдинон — эзгу диндаги деб аташганлар ва бир умр зардуштийлик дуолари билан бирга зардуштийлик ахлоқининг асосий учлиги бўлган “гуманту” — эзгу ўй, “гутка” — эзгу сўз ва “гваршита” — эзгу амалга риоя қилмоқликлари зарур бўлган⁷. Демак, зардуштийлик имони фикр софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг инсонийлигидан иборат.

Ҳар бир эътиқодли зардуштий бутун ҳаёти давомида юқоридаги учликни ўзига мужассам этмоғи керак. Бу тўғрида Зардушт: “Мадҳ этаман эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амални. Жами эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амалга бағишланаман, жумла ёвуз ўй, ёвуз сўз ва ёвуз амаллардан юз ўтираман”, — деб таъкидлайди⁸.

“Денкард” ва бошқа паҳлавий тилидаги китобларда Зардуштнинг исми “Магупта” шаклида зикр этилган. Бу ёдгорликлар араб тилига таржима қилинганда Зардушт номи “Мажус” ва “Мажуса” тарзда ёзилган. Натижада, унинг номи араб тилидаги илмий адабиётларда “Мажус”, у тарғиб қилган дин эса “мажусий”лик деб аталган.

“Оташ”, “Қуёш”, “Нур”, “Рўшнолик” зардуштийлик динининг рамзий тимсоллари бўлса-да, лекин зардуштийлар ҳеч қачон қуёш, оловга сиғинган эмас. Фақат қуёш, ёруғликка қараб ибодат қилишган, сайл ва тўйларида ўртада гулхан ёқиб, атрофида ўйнашган, марҳумлар руҳини шам ёқиб хурсанд қилганлар. “Авесто”да икки ўринда оташ ва қуёш Ахурамазданинг фарзандларидир дейила-

ди, аммо унда “оташпараст” деган сўз учрамайди ва ҳар саҳифада “Эҳ, Ахурамазда! Биз сени мадҳ этамиз, биз маздопарастмиз!” — деган хитоб такрорланади. Шу боис биз ушбу рисоламизда “мажусийлик” ва “оташпарастлик” атамаларидан воз кечиб, “зардуштийлик” ва “маздопарастлик” сўзларини қўллашни лозим топдик.

ҚАДИМИЙ МАРОСИМЛАР ИЗИДАН

Зардуштийлар бир неча асрлар давомида руҳонийлар кузатуви остида ўзларининг урф-одат ва маросимларини шакллантирганлар. Ҳозиргача зардуштийлик маросимлари ва унинг бугунги кундаги излари тадқиқотчилар томонидан жуда кам ўрганилган⁹.

Зардуштийлар томонидан ўтказилган йил фасллари билан боғлиқ байрамлар, Наврўз ва Меҳржон байрамлари, турли дуоларни айтиш ва покланиш маросимлари, ўсмирларни зардуштийликка қабул қилиш (яъни “сидрапўшлик” — оқ либос кийиб, белбоғ боғлаш) ва бошқа қатор тантаналар зардуштийликда муҳим роль ўйнаган. Бундан ташқари, зардуштийларда никоҳ маросими, бола туғилиши ва дафн маросимлари ҳам мавжуд бўлиб, буларда асосан яқин қариндошлар, шаҳар ва қишлоқнинг ҳурматли кишилари ҳамда руҳоний ишгирокида ўтказилган. Зардуштийлик маросимлари сирасига кундалик ибодат ҳам кирган. Ҳар бир зардуштий фарзанди етти ёшдан бошлаб баъзи бир дуоларни ёдлаб, ўз дини руҳида тарбияланган. Жамики қавм-қабилалар орасида “логамзодан” (отга сувлиқ солиш), “зин задан” (отни эгарлаш), “камарбастан” одатига қатъий амал қилинган. Масалан, чорвачилик билан шуғулланувчи қавмларда қизларга юнгдан ип йигириш, урчуқ ва чарҳда ишлаш, матолар тўқиш, либослар тикиш ўргатилган, ўғил болалар эса мол боқиш, урчитиб ва туғдириш, туя, отларни парваришлаш, уларни бошқара олиш, яйловларда сурувни ўтлатиш, чорвани йиртқич ҳайвонлар ва қароқчилардан ҳимоя қилиш, ўтгиз икки ҳарбий ҳунарни билиши мажбурий бўлган. Ана шундан сўнг ўсмирлар ўн беш ёшдан бошлаб “логамзодан” ва “зин задан” имтиҳонидан ўтишган¹⁰. Натижада

балогоат ёшига етган, рўзғор юритишни ўрганиб “катбону” (уй бекаси), “катхудот” (оила бошлиғи) бўлиш, чўпон чўлиғини олиб, от суриш, туя миниб юриш ҳуқуқини қўлга киритишган. Алоҳида иқтидорга эга бўлган йигитлар эса чавандозликка махсус тайёрланганлар ва ҳарбий машқларда иштирок этганлар.

Зардуштийликда руҳонийларни “муғлар” деб аташган. Муғлар одатда зардуштийлик динининг билимдонлари бўлиб, “Авесто” дуоларини ёддан билиш, ёқимли қироат қилиш, ваъз айтиш билан бирга хаома ичимлигини тайёрлаш, оташкадаларни тоза сақлаш ва маросимларни тартибли ўтказиш вазифаларини ҳам бажарганлар. Муғлар ҳатто қози, табиб, олим ва сартарошлик ҳам қилганлар¹¹.

Рус шарқшунос олими И. М. Дьяконовнинг таъкидлашича, муғлар асли Турондан келиб чиққан ва кейинчалик Каспий денгизининг жануброғида, сўнгра Мидияда яшаганлар¹². Ҳақиқатан ҳам муғларнинг асли ватани Ўрта Осиё эканлигини, ушбу ҳудудда олиб борилган қатор археологик қазилмалар ва қолаверса, этнографик материаллар ҳам тасдиқлайди. Жумладан, Фарғона водийсидаги қадимий Косон шаҳрида эрамизгача бўлган II асрга оид зардуштийлар оташкадасининг қолдиқлари топилган. Бу тўғрисида ёзма манбаларда ҳам маълумотлар мавжуд. Жумладан, XII асрда яшаган Шаҳристоний Косонда оташкадалар бўлганлигини ва бу ернинг асосий аҳолиси муғлар эканлиги ҳақида ёзади¹³. Биз бунга қўшимча қилиб шуни таъкидлаймизки, ҳозиргача қадимий Косон шаҳри харобалари жойлашган тепаликни маҳаллий аҳоли Муғтепа ёки Муғхона деб аташади. Шунингдек, айнан ушбу тепалик ёнида қадимий “Садпири Комил” қабристонининг жойлашганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Чунки зардуштийлик динининг тартиб-қоидаларига кўра оташкадалар одатда шаҳар четидаги қабристонлар ёнида бунёд этилган. Демак, юқоридаги фикр-мулоҳазаларга асосланиб қадимий Косон шаҳри ҳам зардуштийликнинг марказларидан бири бўлган ва қолаверса, муғларнинг асл ватани Ўрта Осиё деб дадил айта оламиз. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда кенг тарқалган “магистр” сўзининг келиб чиқиши ҳам муғлар билан боғлиқ. Юнон олимлари Геродот, Платон, Плутарх, Стра-

бон ва бошқаларнинг асарларида “муғ” сўзи қадимги юнон тили қоидаларига асосланган ҳолда “магус” шаклида ҳам ёзилган ва кейинчалик ана шу лексема асосида “магистр” сўзи пайдо бўлган¹⁴.

Зардуштийлик дини, яъни ягона Тангрига эътиқод расман қабул қилинган, “сидрапўшлик” удуми жорий қилинган. Бунга кўра Ахурамазда фарзлари ҳамда Зардушт ўғитларидаги суннатларни тўла бажарадиган, ҳар жиҳатдан пок, юксак ахлоқли, устоз фотиҳасини олган зардуштийга оқ матодан чакмон, кўйлак кийгизиб, бошига салла ўраш, белига эса юнг ипдан тўқилган белбоғни боғлаш одат тусига кирган. Белбоғни боғлашда белидан уч марта ўралган ва олди-орқа тарафидан тугун қилиб боғлаб қўйилади. Эътиқодли зардуштий бутун умри давомида ушбу белбоғни боғлаб, сидрани кийиб юрган. Фақатгина ҳар бир ибодатдан олдин белбоғини ечиб боғлаган. Зардуштийларнинг белбоғ боғлашларининг рамзий маъноси юз йиллар давомида шаклланган бўлиб, уни уч марта туғиш зардуштийларнинг уч қисми этикасини билдирган¹⁵.

Ўзбек халқи урф-одатларида ҳам зардуштийликда расм бўлган “сидрапўшлик” удумининг ўзига хос излари учрайди. Жумладан, XX асрнинг ўрталаригача халқимиз орасида барча эркаклар яқтак кийиб, белларига белбоғ боғлаш ва салла ўраш удуми кенг тарқалган эди. Одатда белбоғ ва салла ўраш болаликдан ўсмирлик ёшига ўтган даврда бажарилган. Белбоғ доимо уч марта тугун қилиб боғланган. Қолаверса, ўзбеклар орасида бошқа юртлардан келган меҳмонларга, никоҳ тўйида келиннинг хонадонида куёвга тўн, дўппи кийдириш ва белига белбоғ боғлаш удуми ҳозир ҳам кенг урф бўлган. Бу удумнинг асосида бир томондан меҳмонга, куёвга ҳурмат, иззат-икром намоён этилса, бошқа томондан ўша меҳмоннинг халқимиз сафига рамзий қабул қилинганлиги ёки куёвнинг келин оиласининг янги аъзоси бўлганлигини аңлатган. Бизнингча, халқимиз орасидаги тўн кийдириб, белбоғ боғлаш билан боғлиқ удумлар зардуштийликдаги “сидрапўшлик” маросимининг трансформацияга учраган шакли бўлса керак.

Зардуштийлар бир кеча-кундузни беш қисмга бўлиб, ибодат қилганлар. Ибодатдан олдин ҳар бир диндор белбоғини ечиб, юз-қўллари ва оёқларини сигирнинг тозаланган сийдиги, қум ва сув билан поклайди, сўнгра муқаддас белбоғини боғлаб, “сидра”ни кийган ҳолда тик турган ва белбоғнинг олди тарафини қўли билан ушлаб туради. Унинг нигоҳи тақводорлик рамзи бўлган оловга қаратилган. Ибодат пайтида тақводор зардуштий махсус дуолар ўқиш билан бирга Ахурамаздани олқишлаб, Аҳриманни лаънатлаган. Бутун ибодат бир неча минут давом этган¹⁶. Ҳар бир диндорнинг қўлида (айниқса, қурбонлик маросимларида) барсман бўлган. Хаома ҳам, барсман ҳам борлик мувозанатини ва тозаликни сақлаш рамзи сифатида қадрланган. Зардуштийлар муқаддас ўсимлик сифатида қадрланган ушбу ўсимлик бугунги турмуш тарзимизда кенг қўлланувчи исириқдир. Халқимизда исириқни харзориспанд, испанд ҳам деб айтишади. Юқорида таъкидлаганимиздек, боболаримиз уни муқаддас ўсимлик сифатида қадрлашган. Исириқдан касалликларнинг олдини олиш мақсадида кенг фойдаланишган. Хусусан, уйда биров бемор бўлса, чақалоқни биринчи маротаба бешикка белаётганда, келин туширганда, уйга бегона одам келиб кетган пайтларда эҳтиёт чораси сифатида исириқ тутатилган. Халқ табобатида ҳам исириқ кенг қўлланилган. Илмий тиббиёт маълумотларига кўра, исириқ тутуни юқумли касаллик тарқатувчи микроб ва бактерияларни йўқотади. У ревматизм, радикулит, грипп, безгак каби касалликларни даволашда ҳам яхши самара беради¹⁷.

Зардуштийликка алоқадор байрамлар, маросимлар, томошалар икки қисмга бўлинган: ҳар ким ўзича ва оилада ўтказиладиган урф-одатлар, ибодатхоналарда ёхуд катта майдонларда уюштириладиган маъракалар. Катта байрамлар, мавсумий байрамлар муносабати билан сон-саноксиз коҳинлар, ажабтовур қироат қилувчи ва ўйновчи ижрочилар томонидан уюштирилган. Ўз-ўзидан маълумки, маросимларда диндорлар фаол қатнашганлар: улар четда туриб кузатувчи ёки шунчаки томошабин эмас, балки муайян тартиб ва қоидаларга бўйсунувчи ўзига хос иштирокчи бўлганлар. Зардушт ўзининг издошларига қолдирган зарурий мажбуриятлардан бири — ҳар йили Ахура-

мазда билан унинг етти яратувчисига бағишлаб байрам қилиш эди. Уларнинг олтитаси “гоҳамбарлар” номи билан машхур бўлиб, уларнинг анъаналари, яратилиш тарихи ва таъкидланиши Зардушт номи билан боғлиқ. Ушбу байрамлар ўзининг келиб чиқишига кўра чорвадор ва деҳқонларнинг байрами бўлиб, кейинчалик Зардушт томонидан зардуштийликка киритилган. Улар йилнинг турли мавсумларида нишонланган. Уларнинг “Хўрда Авесто”да сақланиб қолган номлари қуйидагича: “Маидйой-зарэмая” (“Баҳор ўртаси”), “Маидйайшема” (“Ёз ўртаси”), “Паитишахйа” (“Фалла ўрими байрами”), “Айатрима” (“Чорванинг отарларга қайтиш байрами”), “Маидйаирйа” (“Қиш ўртаси”) ва охиргиси келиб чиқиши ҳозирча номаълум “Хамаспатмаэдаёя” бўлиб, бу фравши шаурофати билан ўтказиладиган (бу йилнинг охирги кун, баҳорги тенгкунлик арафасида) зиёфатдир. Бу байрамларни ўтказишда ҳар бир зардуштий жамоаси дастлаб Ахурамаздага бағишланган байрамона ибодатда иштирок этганлар, сўнгра зиёфатга тўпланишиб, ўйнаб-кулганлар. Байрамда барча табақа вакиллари — бойлар ҳам, камбағаллар ҳам барабар иштирок этганлар. Байрам ўтказиладиган кун илтифотлилик даври бўлган: уруш-жанжаллар тўхтаган, низоларга барҳам берилиб, дўстлик муносабатлари мустаҳкамланган. Дарҳақиқат, табиатнинг энг мукамал фарзанди бўлмиш инсон қадим-қадимдан унинг бағрида ва у туфайли илҳом топади. Шунинг учун ҳам у ўзининг ҳар қандай руҳий ҳолатида биринчи галда табиатга мурожаат этади.

Ахурамазда қонунларида кўриқ ва бўз ерларни ҳайдаш, ерни жамоа ўртасида адолатли тақсимлаш энг савобли иш ҳисобланган. “Вендидод”нинг учинчи фасли башоратида ёзилишича: “Ахурамазда ерга яхши, соғлом уруғ сепишдан ортиқ савоб иш йўқ”, дейди. Тангрининг бу айтганларига амал қилиш, ўн минг ясна мантларини ўқиб ибодат қилиш ёки юзлаб жониворларни қурбонликка сўйишдан афзалроқ ҳисобланган. “Олам гўзаллиги деҳқончиликдан, — дейилади. “Вендидод”да. — Кимки уруғ қадабди, у одамийликка иймон келтиради, ягона шу йўлгина ҳақиқат бўлиб, қолгани савобдир”. Яна бир фасл башоратида бундай дейилади: “Буғдой ўстира бошланса,

девларни тер босади; созурилган буғдой тайёр бўлса, девлар заифлашиб қолади. Ун тайёр бўлгач, девлар нола-ю фгон чекишади. Девларни мағлуб этиш учун хонадонда ҳамиша унли овқат бўлиши лозим. Бу овқатни одамлар егандан сўнг, девлар жуда қизиби кетишади ва қоча бошлашади”¹⁸. Ерга ишлов беришдан кейинги савоб — озиқ-овқат тайёрлаш, уй ҳайвонларини ва чорвани кўпайтиришдир. Зардушт Тангри номидан ҳукмдорларга қарата бундай дейди: “Ёмон овқатланган халқ на яхши, кучли ишловчиларига ва на соғлом, бақувват болаларга эга бўлади... Ёмон овқатланишдан одоб, ахлоқ ҳам айниб кетади. Агар нон мўл-кўл бўлса, муқаддас сўзлар ҳам яхши қабул бўлади”.

Зардуштийдаги кўшлаб маросимларнинг одатлари халқимизнинг турмуш тарзида бутунги кунгача сақланиб қолган. Жумладан, деҳқонларимизнинг ҳаёти, меҳнати ва ҳосилни йиғиш билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган байрамларининг кўпчилиги бевосита зардуштийлик анъаналари билан боғлиқдир. Халқимиз деҳқонлар ерга уруф қадаш муносабати билан “Далага қўш чиқариш”, “Шохмой”, “Экин сайли”, “Қўш оши” номлари билан юритилувчи махсус маросимларни ўтказган. Ҳосилни йиғиб олишда эса ғаллакорлар томонидан “Она буғдой”, “Хирмон тўйи”, “Ҳосил байрами” каби тантаналар ўтказилган¹⁹. “Она буғдой” маросимида охириги тутам буғдой “Она буғдой” деб аталиб, уни ўриб олинганидан сўнг, махсус тутамни хонадонга элтиб, уйнинг тўрига осиб қўйганлар ва баҳоргача авайлаб сақлаганлар. Баҳорда унинг бир қисмидан нон (патир) ёпилиб, далага дон сепишга чиққан деҳқонларга улашиб берилади, қолган қисмидан эса уруғлик дон сифатида фойдаланилади. Ғаллакорлар “Она буғдой”дан тайёрланган нонни еб: “Бу йил ҳам ҳосил мўл-кўл бўлсин, “Она буғдой” ўзи қўлласин, Бободеҳқон²⁰ мадакдор бўлсин!” дея дуо қиладилар ва қолган донни биринчи уруғлик сифатида сепадилар”²¹.

Демак, деҳқонларимиз томонидан далага уруф сепиш ва ҳосилни йиғиб олиш билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган маросимлар узоқ тарихга эга бўлиб, бевосита зардуштийлик анъаналарига алоқадордир. Бутунги кунда деҳқонларимизнинг ерга уруф қадаш муносабати билан ўтка-

задиган маросимлари халқимиз ўртасида деярли унутилган, фақат манбаларда, қарияларимиз хотирасида сақланиб қолган.

Зардуштийликнинг барча маросимлари, жумладан, Наврўз, Меҳржон байрамларида она заминга, деҳқончилик, чорвачилик ва ватанга бўлган муҳаббат руҳи, айниқса, улкан қудрат билан яққол кўринади. Наврўзнинг келиб чиқиши ҳақида кўплаб ривоятлар ва афсоналар мавжуд. Жумладан, зардуштийлар давридаги баъзи-бир тушунчаларга қараганда, эзгулик илоҳи Ахурамазда баҳор-ёзда, ёмонлик илоҳи Аҳриман кузда ва қишда ҳукмдорлик қилар эмиш. Баҳорнинг биринчи кунини яхшилик худоси ёмонлик худоси устидан ғалаба қозонган муқаддас сана деб уни байрам қилишган. Бошқа қадимий афсонага қараганда, Одам ато ва Момо ҳаво учрашган кун “Наврўз байрами” деб тан олинган эмиш²². Бугунги кунда Наврўз байрами бундан 3,5—4 минг йил бурун бизнинг ўлкамизда пайдо бўлганлиги илмий нуқтаи назардан исботланган²³. “Наврўз”нинг юзага келиши ҳар томонлама илмий асосланган коинот ва табиат қонуниятлари, яъни Кўёшнинг ҳамал буржига кириши, кеча ва кундузнинг вақт жиҳатидан баробарлашиши, кундузнинг узая бошлаши, табиатда жонланишнинг бошланиши, баҳорнинг келиши билан боғлиқдир. Қолаверса, зардуштийларда бойчечакнинг чиқиши, лолақизғалдоқларнинг очилиши, бодомнинг гуллаши, умуман баҳор билан табиатнинг гўзаллашиб бориши — эзгулик руҳининг тантанаси билан уларнинг ҳар бири катта шодиёналарга сабаб бўлган.

Республикамиз аҳолиси орасида баҳорда табиатнинг уйғониши, тоғ ва қир-адирларда турли гулларнинг очилиши муносабати билан турли сайллар ўтказилиши мавжуд адабиётларда маълум даражада ёритилган²⁴. Жумладан, Хоразм ва Бухорода “Қизил гул сайли”, Фарғона водийси, Қўқон ва Тошкент атрофларида “Лола сайли”, баъзи тоғли туманларда, жумладан, Чустда “Сунбула сайли”, яна бошқа жойларда “Бойчечак” каби байрамлар уюштирилган²⁵.

Фарғона водийсида баҳор даракчиси бойчечекка бағишланган маросим эрта кўкламда адирларда, далаларда

қорлар эриши, қиш тугай бошлаши билан ўзига хос байрам сифатида нишонланган. Айниқса, водийнинг шимолидаги Чуст, Янгиқўрғон, Косонсой ва Тўрақўрғон туманларида²⁶ бойчечак очилганини билган болалар тўда-тўда бўлиб қувонишиб талашиб, бойчечаклар теришган. Сўнг “Бойчечак” кўшиғини айтиб, уйма-уй кириб, баҳор даракчисининг пайдо бўлганлиги ҳақида суюнчи олишган. Болалар бойчечакни аввалига кекса ёшли қарияларга беришга интилишган. Чунки, бу гул улар учун қадрли бўлиб, қишдан омон-эсон чиққанлигидан, яна баҳор келганидан, янги ҳаёт бошлангандан дарак берган. Шунинг учун ҳам қариялар бойчечакни юз-кўзларига суртиб, “Омонлик-омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик, янаги йил шу кунларга эсон-омон етайлик”, деб яхши ниятлар қилишган²⁷.

Бойчечакнинг очилиши деҳқонларга баҳорги юмушларнинг бошланганлигини, табиатнинг уйғонганлигини билдирган. Лола байрамлари айниқса, Хўжанд вилоятидаги Исфара, Конибодом туманларида, Фарғона вилоятининг Маҳрам, Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Хўжанд қишлоғида доимий равишда ўтказилган²⁸. Байрамни халқ томонидан сайланган “Лолачилар” бошқарганлар. “Лолачилар” ўз дўстлари билан лола сайлининг қачон ва қаерда ўтказилишини аниқлаб, халққа хабар берган. Сайл ўтказилишидан олдин “лолачи” махсус дарахт ёки дарахтнинг чиройли шохидан кесиб олиб, лолалар билан безаган. Кейин уни қишлоқ кўчаларидан олиб ўтган. Бунинг кўрган одамлар кўчага чиқиб, кўнглига тугиб кўйган ниятларини айтиб, дарахтлар шохига турли мато парчалари, рўмолчалар боғлашган. Сўнг “Лолачилар”га эргашиб, ўйин-кулги қилиб, лолозор томон йўл олишган. Белгиланган жойга келишганидан сўнг “Гул дарахти” марказга ўрнатилган ва оқсоқоллар дуоси билан байрам бошланган.

Байрамнинг иккинчи куни муқаддас мазор ва қабристонлар зиёрат қилинган. Бунда эркаклар ва аёллар алоҳида-алоҳида зиёратгоҳларга борганлар. Лола сайллари ва қолаверса, гул байрамларини тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, зиёратгоҳ ва қабристонларга бориш бу байрамларнинг таркибий қисми бўлиб, бунинг сабаби, бизнингча, қуйидагилардадир: **биринчидан**, одатда гул сайл-

лари гуллар кўп очиладиган жойларда ўтказилган. Қабристонлар атрофи шундай жойларнинг бири бўлган; **иккинчидан**, вафот этганларни хотирлаш Шарқ халқлари байрамларига мос-хос қадимий анъаналардан бири бўлган; **учинчидан** ва энг қизиқарлиси, баҳор гулларидаги қизил ранг кўпинча инсон қони билан таққосланган. Халқда шундай тушунча борки, гўё қизил гуллар ўз рангларини вафот этган кишиларнинг қонларидан олади. Қариялар сўзлаб берган афсоналарга кўра, вафот этганлар қонини ер шимади, гуллар эса ана шу қизил рангни ўзига олиб, уларга иккинчи ҳаёт бахш этади ва ерни гўзал либос — баҳор гуллари билан безайди.

Асримиз бошларида ўтказилган “Лола сайллари” ҳозирда ҳам водийнинг айрим жойларида сақланиб қолган. Жумладан, Тўрақўрғон туманининг Шаҳанд, Хўжанд, Жанжал, Аҳси қишлоқларида²⁹ баҳор келиши билан апрел ойининг охиригача ҳафтасида одамлар йиғилишиб лола сайли ўтказгани қир-адирларга чиқадилар. Улар даштдан лолаларни даста-даста қилиб териб келишиб, яқин кишиларини баҳор келганлиги, қишдан эсон-омон чиқиб олганликлари билан табриклашади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, водийда ўтказиладиган лола сайллари олдинги рамзий маъносини маълум даражада йўқотиб, ҳозирги кунда ўйин-кулги, сайл кўринишида сақланиб қолган. Фарғона водийсининг қолган ерларида лола сайллари бугунги кунда деярли ўтказилмайди, фақатгина кекса ёшли қарияларнинг хотираларидагина сақланиб қолган. Бизнингча, бунинг асосий сабабларидан бири XX асрнинг 50—80-йилларида лола ва бошқа гуллар ўсадиган сайлгоҳлар — далалар, қир-адирлар ўзлаштирилиб, пахтазорларга айлантирилиши билан изоҳланади.

Инсоният оловни кашф этгандан буён унга юксак ихлос билан қарайди. Зеро, олов иссиқлик ва ёруғлик манбаи сифатида муқаддас ҳисобланган эди. Аждодларимиз оловни яна шу жиҳатдан ҳам эъзозлаганки, у ўз шуъласи билан инсонга таъсир этадиган зарарли кучларни куйдирувчи, покловчи ва ёруғлик рамзи сифатида зулматга қарши куч ҳисобланган.

Зардуштийликнинг бирор-бир маросими шу эътиқоднинг рамзи — оловсиз ўтган эмас. Олов турли кўриниш-

ларда: осмон олови, дарахтга яширинган олов, оташгоҳларда ёқиладиган олов, илоҳий олов, чақмоқ олови ва инсон танасига иссиқлик ва ҳаёт бағишловчи олов каби кўринишларда бўлиши тасаввур қилинган. Зардуштийлик илоҳларидан бири Аша Ваҳишта ҳам оташ посбони бўлган. Зардуштийлик динида муқаддас олов доимий равишда сақланувчи оташгоҳ бўлган. Ёниб турган гулхан абадий ҳисобланиб, маълум илоҳиёт ёки ота-боболар руҳиятига бағишланган. Улар ўчирилмасдан сақланган ва бегоналар ҳамда ғайридинлар назар-нафасидан асралган³⁰. Ўчоқ ёки оташгоҳнинг кули ҳам муқаддас ҳисобланиб, муқаддас жойларга кўмиб сақланган. Бундан ташқари, ҳар бир хонадонда шу хонадон чироғи, унинг кўри ва алангасини доимо сақлайдиган оилавий оташгоҳлар ҳам бўлган. Улар кўпинча махсус ажратилган ва покиза тутилган хоналарда ташкил этилиб, олов эътибор билан ясалган ўчоқ ёки курси шаклидаги пастамент устида ёқиб сақланган³¹.

Шунга яқин оловни эъзозлаш расмлари жуда кўп халқларга хос бўлганлиги маълум. Жумладан, муқаддас оилавий ўчоқ оловини бегоналардан яшириш қадимий юнон-греклар учун ҳам хос анъана бўлган³². Қолаверса, қадимги туркий халқлар оловни аёл сифатида тасаввур қилганлар ва бу муқаддас илоҳани “ўт она” ёки “олов аёл” деб атаганлар. Қадимги даврларда қабила оловини ёқиб турадиган киши яъни, “ўт эгаси” вазифасини аёллар бажарганлар³³.

Оловга бўлган ҳурмат ва эътибор одатларининг баъзи бир кўринишлари Ўрта Осиё халқлари, жумладан, Фарғона водийси аҳолиси турмуш тарзида ҳозирги кунгача сақланиб қолган.

XX аср бошларида водий қипчоқларида хонадон ўчоғи ҳеч қачон ўчирилмаган. Хонадон ўчоғида оловни кечакундуз ўчирмаслик ота-боболардан қолган одат бўлиб, уларнинг тасаввурича, оловсиз ўчоқ — мисоли эгасиз, кимсасиз уйдир. Ўчоғида доимо олов ёнган хонадондагина доимо барака бўлган³⁴. Ўчоғда ёнаётган оловни булғамаслик учун ифлос нарсаларни, ҳатто ифлос ўтинни ёқиш ҳам тақиқланган. Ифлос ўтин ёқишдан олдин кўёшда қуритилган ёки сув билан ювиб тозаланган³⁵.

Олов ёнган ўчоққа қалампир, нон, овқат қолдиқлари ташлаш, ҳар хил ахлат ёқиш ёки ўчоқдан чиққан кулни ахлатхоналарга ташлаш, ҳаром чиқиндиларни ўчоқ оловида куйдириш гуноҳ ҳисобланган. Водийда кул билан ахлатни қўшиш қатъий тақиқланган. Бунга сабаб, агар ахлат билан кул бир жойга ташланса, ушбу хонадоннинг тўй ва аза маросимлари бир-бирига қўшилиб кетар экан³⁶. Мотам маросимларида эса оловни булғамаслик учун уч кунгача хонадон ўчоғида олов ёқиб овқат тайёрланмаган. Бундан ташқари, никоҳ тўйи маросимларида келин-куёвларни инс-жинслардан поклаш мақсадида олов атрофида айлантириш ва сафарга кетаётганда хонадон оловидан бошқаларга бермаслик одатлари ҳам қайсидир маънода зардуштийлик маросимлари билан боғлиқ бўлса керак.

Водийда яшовчи қипчоқларда сурувни ёзги қароргоҳга ҳайдаш вақтида ёвуз кучлардан, ёмон кўзлардан сақлаш мақсадида чўпонлардан бири қўлида гулхан ушлаган ҳолда сурувни айланиб чиққан ва қўйларга исирик солинган. Ҳар йили яйловга кетишдан ва яйловдан қайтишдан олдин қўй сўйиб қурбонлик қилинган. Кузда қўйлар қишлоғга қайтаётган вақтда ҳам ёвуз кучлардан поклаш мақсадида гулханлар ёқилган ва сурувни олов орасидан ҳайдаб ўтилган. Яқин-яқинларгача Фарғона водийсида хонадон олови кечаси бегонага берилмаган ва ўчоқдаги оловга фақат хонадон бекасигина тегина олган³⁷.

Зардуштийларнинг энг катта байрамларидан бири “Сада” байрамидир. Фирдавсийнинг “Шоҳнома” китобида ёзилишича, “Сада” эронликларнинг қуёш тақвими бўйича ўн биринчи ойи — брахманинг учинчи кунинда байрам қилинган³⁸. Бунда одамлар олов ёқиб, қиш захрини дафн этиш учун тутатқилар тутатадилар, ҳатто шу кеча олов ёқиб алангалатиш, шу оловларга ёввойи ҳайвонларни ташлаш, алангаларнинг ичига паррандаларни учуриш ва (олов) атрофида ичимликлар ичиб, ўйин-кулги қилганлар³⁹.

Хуллас, зардуштийлар байрам ва маросимларидан бўлган “Сада” байрамида гулханлар ёқиш ва олов атрофида ўйин-кулги қилиш, еб-ичиш билан биргаликда барча зиён-заҳматларни бартараф қилиш мақсадида сопол идишларни ерга уриб синдириш одати ҳам бажарилган.

XX асрнинг бошларида Фарғона водийсининг шимолида жойлашган Косонсой туманида сафар ойининг охир-

ги чоршанбасида “Сафар қочди” маросими ўтказилган. Бу кун маҳаллаларда катта-катта гулханлар ёқилган. Барча одамлар турли бало-қазоларни даф қилиш мақсадида “Алас-алас, барча балолардан халос”, деб гулханлардан сакраган ва сопол идишларни ерга уриб синдирганлар⁴⁰. Ҳозирда эса бу маросим водийда деярли ўтказилмайди. У ҳақдаги маълумотлар қарияларнинг хотираларидагина сақланиб қолган⁴¹. Бизнингча, “Сафар қочди” маросими бевосита зардуштийликнинг “Сада” байрамининг трансформацияга учраган кўринишидир.

Зардуштийлик таълимотида оловдан ташқари сувга нисбатан ҳам алоҳида эътиқод ишлаб чиқилган. Зардуштийлик космоликаси бўйича ер гардиш шаклида, у сувда туради, намлик, сув ҳамма нарсанинг асоси, ерни океан қуршаган, худди у сувдаги тахтадек. Ана шу доктринага биноан зардуштийлар сувни ҳатто оловдан ҳам ортиқроқ эъзозлаганлар. Уларнинг фикрича, ерни қуршаган олти модда (олти маъбуда)нинг биринчиси сув — Апам-Напат-дир. Унда ҳаётий қудрат бор, сувдаги ҳаёт кучини ўсимлик шарбатлари билан бойитиб бориш керак дейилган. “Авесто”да сувлар оқар ва оқмас сувларга, шунингдек, денгиз, дарё, кўллар, жилғалар ва осмон сувлари, яъни қор ва ёмғирга бўлинган⁴². Зардуштийлар муқаддас унсур саналган сувнинг тозалиги борасида қайғурганлар. Бунинг учун табиий сув манбалари — дарёлар, кўллар ёки қудуқлар ҳар қандай нопокликлардан қатъий ҳимоя қилинган. Агар маросимий нопок бўлган қандайдир нарсани ювиш лозим бўлса, сув махсус жойга тўпланган, лекин шунда ҳам нопок нарса тўғридан-тўғри сув билан ювилмаган. Бунда нопок нарса аввал сигир сийдиги билан ювилиб, куёшда ёки қумда қуритилган ва сўнгра якуний поклаш мақсадида сув билан ювилган. Шунингдек, ёмғир ёққан пайтда ташқарига чиқиш тақиқланган, чунки бу билан сувни ва ерни “макруҳ” қилиб қўйиш мумкин дейилган. Сувни муқаддас санаб, уни эъзозлашга оид қарашлар ислом динида ҳам мавжуд бўлган. Жумладан, исломда сувни тежаб ишлатиш, уни ортиқча исроф қилмаслик таъкидланади. Сувни исроф қилишлик оғир гуноҳ ҳисобланган.

Ўзбек халқи турмуш тарзида ҳам сув ўзига хос муқаддас унсур сифатида эъзозланган. Жумладан, Фарғона



255081

водийсида сувга тупуриш ва нопок ифлос нарсаларни сувга ташлаш қатъий тақиқланган бўлиб, бундай ишларни қилиш офир гуноҳ ҳисобланган. Сув келадиган ариқлар, каналлар ва зовурлар ҳар йили баҳорда ҳашар йўли билан тозаланган. Янги каналлар, ариқлар қазिश энг савобли ишлардан дейилган.

Ўзбекистоннинг қатор лалмикор (фақат ёмғир сувлари билан суғориладиган) ерларида “Сув хотин”, “Суст хотин” маросимлари ўтказилган. Бу маросим баҳор ва ёз ойлари ёмғир ёғмай, экинзорлар қовжираб, қурғоқчилик бошланганда, “ёмғир чақириш” мақсадида ташкил қилинган. Қишлоқ оқсоқолларининг кўрсатмасига биноан аёллар катта қўғирчоқ ясашиб, унга қари кампирнинг кўйлагини кийдиришган, сўнгра махсус қўшиқлар айтишиб, қўғирчоқни далалардан, кўчалардан кўтариб ўтиб, ҳар бир хонадонга олиб киришган. Маросим қатнашчилари “Суст хотин” кўшигини айтиб, уйларга киришганда уй эгалари уларни хурсандчилик билан қаршилаб, албатта қўғирчоқ устидан сув сепишган, ўз имкониятлари доирасида хайр-эҳсон қилишган⁴³. Ўзбек фолклоршунос олими Б. Саримсоқов “Суст хотин” образини зардуштийликдаги Тиштрия илоҳи билан боғлайди⁴⁴. “Авесто”нинг саккизинчи яштида ёфингарчилик илоҳи Тиштрия ҳақида маълумотлар учрайди. Жумладан, унда ёзилишича, Тиштриянинг марҳамати туфайлигина осмон ўз сувларини буғдойзорларга, яйловларга сахий тўкади⁴⁵. Демак, халқимиз орасида ўтказилган “Суст хотин” маросимида илтижо қилинган аёл образи ёфингарчилик илоҳи Тиштриянинг трансформацияга учраган кўриниши бўлса керак.

АСРЛАРГА ТЕНГДОШ УДУМЛАР

Зардуштийликда мураккаб ва ўзига хос дафн маросимлари тизими ишлаб чиқилган. “Авесто”нинг урф-одат ва маросимлар қонунлари мажмуи ва диний асотирлардан иборат ҳикоятлар битилган “Вендидод” қисмида дафн маросимларига оид қизиқарли маълумотлар берилган. Унда таъкидланишича, дафн маросимлари зардуштийларнинг ўта мураккаб ва масъулиятли маросимларидан би-

ридир. Зардуштийлар тасаввурича, ўлим — бу ёмонлик ифодаси, касаллик ва ўлимни келтирувчи сержаҳл худо Аҳримандир. “Авесто”да ёзилишича, инсонлар орасида ўлим кўйидаги ҳолатларда содир бўлиши мумкин: 1) Касалликдан; 2) Куч ишлатилишидан; 3) Қашшоқликдан; 4) Кўрқувдан; 5) Ғам-дарддан; 6) Афсушгарликдан; 7) Бўри, ит ва бошқа ҳайвонлар таъсиридан⁴⁶. Қазо қилган одамнинг танаси рамзий маънода ҳаром ҳисобланган. Шу боис зардуштийлар ўзларининг дунёдан ўтган яқинларини ерга кўмишмаган, оловда ҳам куйдиришмаган, сувга ҳам ташлашмаган. Балки, зардуштийлик маросимларига мувофиқ ўлимдан сўнг уч кечаю кундуз ўликнинг руҳи нариги дунёга етиб боргунича, махсус хонага қўйилиб, пок нарсалардан маълум масофа узоқликда сақланган. Бунда оловдан ўттиз қадам, сувдан ўттиз қадам узоқлаштирилган ва ҳатто яқин қариндошларидан ҳам четлатилган. Шу боис марҳумларга ўлик хизматчилари — “насалар”гина (насу — бу ўлим ифодаси, ўлимни шимолдан учиб келган чивин олиб келади, деб фараз қилинган) шуғулланганлар. Улар марҳумни ювиб, кафанлаб қўллари кўкрагига қўйиб қўйганлар⁴⁷.

Халқимизда жон бераётган кишининг кўкраги, боши ёнида яқинларидан икки киши ўтирган. Қолган қариндошлар эса жон чўчийди, деб алоҳида уйда гапирмасдан ўтирганлар. Ўлим тўшагида ётган одамнинг олдидан ҳайз кўрган, нифосли аёллар ва жунубли одамлар чиқарилган. Бундан ташқари, болалар ва ҳомиладор аёллар кўрқмасин, деб жон бераётган кишининг ёнига киритилмаган.

Жон танани эркин тарк этиши учун атрофидагилар овоз чиқармай ўтирганлар. Оғир ётган бемор узилиш олдидан ҳушидан кетиши мумкин. Унинг иссиқдан оғзи қуриб қолмаслиги учун, оғзига нам берувчи ички безлар (сўлак безлари)нинг фаолияти тўхтаб қолмаслиги учун пахтани сувга пишиб олиб беморнинг оғзи намлаб турилади. Шу ўринда бу одат ҳақиқатан ҳам жон бераётган кишининг чанқоғини қондириш биланми ёки қандайдир бошқа сабаб билан боғлиқми, деган савол туғилади. Рус этнографи Г. П. Снесарев бу хатти-ҳаракатни зардуштийлик дафн маросимлари билан боғлайди. Олимнинг таъкидлашича, зардуштийликда жон бераётган зардуш-

тий доимий равишда ёвуз кучлар тимсоли Аҳриман таҳдиди остида бўлиши боис жон бераётган зардуштийнинг олдида ёвуз кучларни ҳайдаш учун иккита қоҳин туриши лозим дейилган. Улардан бири олов олдида дуо ўқиб турган бўлса, иккинчиси офир ётган одам офзига тетиклик бағишлаш мақсадида оби ҳаёт (муқаддас хаома) шарбатидан ёки анор сувидан томизиб турган⁴⁸. Юқорида таъкидланган фикрдан шундай хулоса келиб чиқадики, жон бераётган кишининг офзига пахта билан сув томизиб туриш, шунингдек, унинг ёнида албатта кекса ёшли икки кишининг бўлишлиги ҳам қадимий зардуштийлик динининг қолдиғидир.

“Вендидод”да баён қилинишича, марҳумларга тегиб макруҳ бўлган кийимларни қуёш нурида поклаш лозим бўлган. Маросимий “макруҳ” бўлган уйни поклаш учун эса “Авесто” “Гох”ларини уч маротаба ўқиш лозим бўлган⁴⁹.

Наманган вилоятининг Косонсой, Чуст, Поп, Янги-қўрғон туманларида дафн маросими вақтида марҳумни қабристонга олиб боришда ишлатилган кўрпа, ёстиқ, кўрпача, палак каби нарсалар қабристондан қайтиб келинганидан сўнг бир кеча-кундуз **юлдуз кўрсин** деб ташқарига осиб қўйилган⁵⁰. Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида эса марҳумни қабристонга олиб боришда ишлатилган кўрпа, кўрпачалар билан бирга марҳумнинг кийимлари ҳам **юлдуз кўрсин** деб ташқарига ёйилган⁵¹. Биз бунда осмон ёритгичлари — ой, юлдуз ва қуёшнинг покловчилик хусусиятига бўлган ишончни кузатамиз. Қолаверса, бу одат ҳам қайсидир маънода зардуштийлик анъаналари изларидан бўлса керак.

Зардуштийларнинг дафн маросимларида руҳонийлар ва марҳумнинг қариндошлари уч кеча-кундуз давомида зардуштийларнинг махсус дуоларини ўқиб турганлар. Маросимлар давомида сув ичиш ва овқатланиш ман этилган. Тўртинчи кун бошланиши билан, ўликнинг руҳи нариги дунёга учиб кетганидан сўнг мурда шаҳар, қишлоқ қўрғонларидан четдаги тепалик ёки тоғу тошларга чиқариб, очиқ қўйилган. Мурдаларнинг суяклари қушлар, йиртқич ҳайвонлар томонидан этидан тозалангач, “насосалар” зардуштийларнинг очиқ қабристонларига келиб, суякларни махсус хумчалар ёки сополдан ясалган

кутисимон идишларга йиғиб, “наус” деб аталувчи махсус мақбарада сақлашган. Йилда икки маротаба баҳорги Наврӯз ва кузги Меҳржон байрамларида ота-боболари арвоҳларига атаб, ис чиқариб, садақа ва қурбонликлар қилишган⁵². Шу ўринда таъкидлаш жоизки, халқ ўртасида қўлланиладиган баъзи-бир қарғишларнинг тарихи ҳам бевосита зардуштийлик билан боғлиқ. Жумладан, халқимизда бирон инсон бошқа кишига ёмонлик қилса кўпинча аёллар “гўшингни кузғунлар есин” ёки “кузғунлар чўқисин” деб қарғашади. Бу қарғиш ҳозирда гарчи инсон мурдасининг қаровсиз қолишига билдирилган қарашларни изоҳласа-да, аслида яхшилаб ўйлаб кўрилса, бевосита зардуштийлик билан боғлиқдир. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, зардуштийликнинг дастлабки даври тартиб-қоидаларига кўра мурда аввал махсус боқилган ҳайвонлар ва қушларга ташланган. Ҳаттоки, олдинлари баъзи уруғларда бу мақсадда махсус кузғунлар ҳам боқилган.

“Авесто”да гўристонларни шаҳар ва қишлоқлардан йироқда, баландликда жойлаштириш, уни ўраб қўйиш уқтирилган. Одам ёки ит мурдаси теккан ерда бир йилгача зироат экиш мумкин эмас, дейилади. “Вендидод”да мурда теккан либос, ерларни қатрон қилиш, ўликни дафн-гача асраш, унинг либосини махсус жойда асраш, уни барахна (яланғоч) қўйиш ва бошқа омиллар хусусида фойдали маслаҳатлар мавжуд. Гўристон ери 50 йилдан сўнггина ўзининг олдинги пок ҳолатига келади. Зардуштийлар одатига биноан ана шундан кейингина бундай заминда мевали дарахтлар ўтқозиш ёки у ерда зироат-корлик билан шуғулланиш мумкинлиги уқтирилган.

Республикамизнинг аксарият ерларида қабристонлар қишлоқлардан четроқда жойлашган. Қабристонларда марҳумларни қўйиш тўхтатилгандан кейин ҳам маълум муддат бузилмаган ёки қабристон бузилган тақдирда ҳам боғ-роғларга айлантирилган ёки деҳқончилик қилинган.

Инсоният тарихида биринчи бўлиб Зардушт инсонларнинг бу дунёдаги ҳаётига яраша нариги дунёдаги тақдири ҳам бўлажаги ҳақидаги таълимотни юзага келтирди. Зардушт таълимоти асосида ҳар бир инсон ўлганидан сўнг ўз қилмишига яраша марҳамат ёки жазо топиши гоёси ётади. Бундай таълимот на Миср, на яҳудий ва на юнон-

лар динида бўлмаган. Зардуштийлар тасаввурига кўра, инсон вафотидан сўнг унинг руҳи уч кун жасад атрофида бўлади ва тўртинчи кун эрталаб қуёшнинг заррин нурлари остида майин шабадалар билан самовий оламга парвоз этади. У оламда Чинват деб аталган кўприк бор⁵³. У жаҳаннам устидан ўтказилган бўлиб, Меҳр, Суруш ва Рашну номли яздонлар (фаришталар) бу кўприк ёнида кўз-қулоқ бўлиб турадилар. Улимдан сўнг марҳум руҳи билан ўтказиладиган савол-жавоб жараёнида Ҳақиқат илоҳи Рашну уларни тарозида салмоқлаб кўради. Тарозининг бир палласига эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амаллар, бошқа палласига эса ёвуз ўй, ёвуз сўз, ёвуз амаллар қўйилади. Агар эзгулик ёвузликдан зиёдлик қилса, марҳум руҳи жаннатга, Ахурамазданинг ёруғлик масканига парвоз қилади, акс ҳолда тубанликка — Аҳриман ва девлар жамиятининг машаққатли домига тушиб кетади⁵⁴. Зардуштийлар тасавбурида дўзах абадий музлик, совуқ жой кўринишида бўлган. Агар кишининг яхши ва ёмон ишлари барабар келса руҳ аралаш жой “мивсон тату”га кетади. Бу ерда на хафалик ва на хурсандлик бор, жон нохуш кун кечиради. Уларнинг тасавбурига кўра минг йилликлардан сўнг ҳамма тирилади ва сўнгги суд бўлади. Яъни тоғдан оқиб тушаётган оловсимон эриган маъдан дарёсидан инсонлар руҳи бирин-кетин ўтадилар, ундан яхшилар безиён қутуладилар, ҳамма гуноҳкорлар, ёмонлик ва ёвузлик худоси Аҳриман билан бирга ҳалок бўладилар. Дунёда абадий бахтли ҳаёт бошланади.

Водий қипчоқларида “суягимизни бегонага ушлатмай-миз” деган маънода майитни ювиш билан бирга, уни кафанлаш, лаҳадга қўйиш каби амалларни марҳумнинг энг яқин қариндошлари — суяк эгалари бажаради. Бу одат илдишлари ҳам зардуштийлик динига асосланган дафн маросимига алоқадор. Чунки зардуштийлик динининг илк даврларида ўлик кишилар назари тушмайдиган узоқдаги баландликка элтиб қўйилган. Қарға, кузғунлар бир неча кунлар мурданинг гўштини тозалаб егач, суягини йиғиб олиш, уни остодонга жойлаш ҳақ-хуқуқи фақатгина марҳумнинг яқин кишилари — суяк эгаларига юклатилган.

Фассоллар қадимги зардуштийликдаги ўлик хизматчилари — насасаларнинг рамзий авлодларидир. Биз қадим-

ги зардуштийлик динида зардуштийларни ўлик хизматчилари — насасалардан ўзларини доимо четга олганлар. Ўтмишда уларни меҳмонга, тўйга таклиф қилинмаган. Хонадонлардан ташқарида бўладиган кўплаб тантана ва байрамлар, оммавий ўйинлардан зардуштийлар расман ҳайдаб юбормасдилар, лекин ўзларини улардан четга олган ва уларга тегишли совғаларни уйларига жўнатишган⁵⁵. Шундай маълумотлар борки, ҳатто ўтмишда ғассоллар бозорда юрган бўлса бошқаларга зиён етказмасликлари учун ўзининг келаётганлигини билдириб қўнғироқ чалиб борган⁵⁶.

Марғилон, Хўжанд, Наманган, Андижон шаҳарларида профессионал ғассоллар яшаганлар. Уларга бу касб аждодларидан ўтган бўлиб, шогирд тайёрлаш усули ҳам ана шу анъанага асосланган. Ғассоллар шаҳарларда алоҳида маҳаллаларда яшаганлар. Хўжандда ғассолларни маддоҳлар (мадҳ қилувчи киши) деб аташган. Маддоҳлар иши анъанавий “макруҳ” мурда билан боғлиқ бўлганлиги учун одамлар улар билан кам алоқада бўлган. Улар фақатгина ўзаро бир-бирлари билангина оила қурганлар. Шаҳарликлар ҳеч қачон маддоҳлардан қиз олиб, қиз бермаганлар, уларни тўй ва маъракаларга айтмаганлар. Маддоҳларнинг асосий машғулоти марҳумларни ювиш бўлган. Шаҳарликлар фақат яқинлари вафот қилганларидагина маддоҳларга мурожаат қилганлар⁵⁷.

XX аср бошларида мурдашўйлар касбий уюшмаларга бирлашганлар, уларнинг ўз оқсоқоллари, Низом — рисо-лалари бўлган. Пирлари ҳазрати Шоҳимардон чаҳорёрларидан Али ибн Толиб шундай — “Эрларнинг шоҳи” деб аталиб, ғассолларнинг пири ҳисобланган⁵⁸.

Одатда Фарғона водийсида ғассоллар икки кишилашиб — она қизи билан, қайнона-келин, ота-ўғил бўлиб юрганлар. Уларга сувни иситиб ташиб беришда марҳумнинг яқинларидан ёки қўшниларидан бирор киши ёрдамлашган. Ғассоллар майитни ювишда қўлларига кафаннинг матосидан тайёрланган қўлқоп кийишган. Ушбу қўлқопни марҳум кекса киши бўлса, бефарзанд аёллар томонидан фарзандсизликка қарши магик восита сифатида фойдаланиш учун олиб кетилган, агар марҳум ёш бўлса, кўп ҳолларда ушбу хонадоннинг ўзида қолган. Ғас-

солларга мархумнинг кийим-боши берилган бўлса, ҳозирда эса бошдан-оёқ янги кийим берилади. Косонсойда ювувчиларга “ўлим тоқ бўлсин” деган ниятда тоқ сарполар берилган⁵⁹.

Зардуштийликда никоҳ ва оилавий бурч масаласи ҳам муҳим ахлоқий ўринда турган. Зардуштийликда кўп хотинлилик қатъий ман этилган. Айни пайтда ҳаётни бўйдоқ ўтказиш ҳам қораланган. Балоғатга етган қиз бола ота-она, жамоанинг раъйини писанд қилмай, ўзидан зурриёт қолдиришни истамай, қасддан турмушга чиқмай умргузаронлик қилиб юрса, у қопга солиниб, 25 дарра калтакланиш билан жазоланган. Зардуштийлик қонунларига кўра зардуштий эркаклар ўн етти ёшда уйланиш ҳуқуқига эга бўлган. Агар эркак киши зурриёт қолдириш қобилиятига эга бўлсаю, аммо уйланмаса, унга тамға босилиб, бадном қилиш мақсадида белига занжир боғлаб юришга мажбур этилган. “Авесто”да қайд қилинишича, эркак киши аввало уйланиш учун моддий ва маънавий томондан тўқ ва бақувват бўлмоғи лозим, бунинг учун ўз вақтида тўйиб овқатланиши зарур, акс ҳолда эркак киши ўз хизмат ва ахлоқий бурчларини бажара олмайди. “Еб-ичмайдиган инсоннинг тоат-ибодат қилишга ҳам кучи етмайди. Эрхотинлик вазифасини адо этишга қуввати етмайди, соғлом фарзандларни дунёга келтиролмайди”⁶⁰. Бундан ташқари, “Авесто”да оила қуриш, жуфти ҳалол танлашда шошма-шошарликка йўл қўймаслик, ота-она, кексалар маслаҳатига қулоқ тутиш хусусида ҳам диққатга молик мулоҳазалар мавжуд. Шунингдек, “Авесто”да никоҳ ва талоқнинг ўзига хос мезонлари бирма-бир қайд қилинган.

Зардуштийликда оила муқаддас саналгани учун бошқа сабабларга кўра, жумладан, ифво, туҳмат, эр-хотиннинг ўзаро келишмовчилигига, ота-она билан чиқиша олмаслик баҳонаси билан никоҳни бекор қилинишига йўл қўйилмаган.

Зардуштийликнинг ахлоқ кодекслари мажмуида аёллар масаласига ҳам алоҳида ўрин берилган. Жумладан, аёллар ҳайз кўрган ва ҳомиладорлик пайтида маросимий макруҳ ҳисобланганлар ва улар бошқа пок нарсалардан маълум масофа узоқликда бўлиши лозим бўлган⁶¹. Фар-

фона водийсида, жумладан, Наманганда ҳам кўзи ёрган аёлнинг маълум пайтгача, яъни чилла даврида теварак атрофдагилар билан бўладиган ўзаро мулоқоти чекланган. Бу даврда туққан аёл ўз оила аъзолари билан бир дастурхон атрофига ўтирмаган, овқат пиширмаган, нон ёпмаган, ҳовли супурмаган, сигир соғмаган, хуллас, рўзгор юмушларига аралаштирилмаган. Одатда бу давр фарзанд туғилгандан сўнг етти кундан тўққиз кунгача, баъзида эса кичкина чилласи тугагунча давом этган.

Чилла даврида ўтказиладиган табулар заминиди икки хил маъно ётади:

— Биринчидан, бу даврда аёл киши ёмон руҳлар таъсирига тез чалинадиган бўлса;

— Иккинчидан, кўз ёрган аёл бу даврда маросимий тоза бўлмаганлиги боис сувни, нонни, ўчоқ оловини, овқатни, сигир сутини булғашни мумкин дейилган.

“Авесто”да доимий бадантарбия билан шуғулланиш, кунда юз-қўлни бир неча марта ювиш, қўлни ювмасдан туриб тананинг бошқа жойини ушламаслик, сочни тоза тутиб, тирноқларни тозалаб туриш маслаҳат берилган. Чунончи, “Вендидод”нинг 17-бобида шайтоннинг нажосати тўпланадиган ва кесиб ташланадиган тирноқ-сочни нима қилиш кераклиги тўғрисида йўл-йўриқ берилади. Соч ва тирноқларнинг афсунгарлик хоссалари ҳақидаги зардуштийлик қарашлари излари халқимиз ҳаётида бугунги кунгача сақланиб қолган. Кекса ёшли онахонларимизнинг таъкидлашларича, тирноқларни олганда чекка ерга ташлаш лозим. Агар чекка ерга ташланмаса, қиёматда ўша одамнинг оёғи остидан тешиб чиқар эмиш. Шу боис одамлар тирноқларини олганда кафанга ўхшатиб қоғозга ўраб: “Қора ер сенга топширидим. Шамол сен гувоҳ бўл”, деб четроқ ерга кўмиб қўйганлар⁶².

Фарғона водийсида одатда олинган ёки ювганда тўкилган сочларни ҳам ўтга, сувга ташланмаган. Чунки сочни ўтга, сувга ташлаш оғир гуноҳ ҳисобланган. Шу боис олинган ёки тўкилган сочни деворларнинг ковагига қўйилган ёки мевали дарахтнинг тагига кўмилган.

Зардуштийлик динининг ибодатхоналари бўлмиш оташкадалар диний аҳқомларни кенг оммага сингдириш билан бирга маънавият масканларидан бири бўлган. Оташ-

кадаларда “Авесто” мазмуни билан боғлиқ маросимлар ва томошалар ўтказилган. Шунингдек, оташкадаларда йигитлар йиғилишиб кўнгил очишган ва турли масалаларни ҳал этганлар. Машҳур археолог олим С. П. Толстов қуёшдан олов, оловдан оташкада, оташкададан меҳмонхона, меҳмонхонадан чойхона келиб чиққанлиги ҳақида ёзади⁶³. Муаллиф оташкадаларни ва чойхоналарни “эркак уйлари” деб атади ва уларнинг ўз даврида муҳим вазифаларни бажарганини алоҳида қайд этади. “Эркак уйлари, — деб ёзади у, — мусулмончилик давригача Ўрта Осиёда кенг ёйилган ва у ижтимоий аҳамиятли маиший ҳодисалардан бири бўлган. Улар қадимий завқшавқли соғинишларнинг марказлари ўлароқ жамоа бўлиб овқатланиш ва ўйинга тушиш билан боғлиқ эди”⁶⁴. Дарҳақиқат, чойхоналар нафақат ош тайёрлаб таом ейиладиган маскан, балки маҳалла эркаклари йиғилиб гап-гаштаклар, суҳбатлар, махсус ўйинлар ўйнайдиган, ўзига хос аскиялар ўтказадиган жой ҳисобланган. Айниқса, Фарғона водийсида ва Тошкент воҳасида маҳалла эркаклари қиш фаслида маҳалла меҳмонхонасида йиғилишиб навбатма-навбат гап-гаштаклар ўтказганлар⁶⁵.

ХОТИМА

Зардуштийлик эътиқоди анъаналарига оид фикрларимиз якунида хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидлаيمизки, одамларни дарёларнинг мусаффолигига ва тупроқ унумдорлиги ҳақида ғамхўрлик қилишга даъват этган зардуштийлик айнан бизнинг заминимизда вужудга келганлиги тасодифий эмас⁶⁶. Зардуштийлик дини қадимда ўтмиш аجدодларимизнинг ҳаётидаги асосий диний эътиқодлардан бири бўлиши билан бирга ислом дини кириб келгандан кейин халқимизнинг турмуш-тарзида ҳам ўз изларини сақлаб қолганлигини ва ҳаттоки халқимизнинг бутунги кундаги оила-турмуш маросимларида ҳам тадбиқ этилишини тадқиқот давомида кўриб ўтдик. Бажарилаётган маросим ва урф-одатларда зардуштийлик излари исломий маросимлар билан биргаликда синкретик тарзда, бошқача айтганда, зардуштийлик маросимлари

билан боғлиқ анъана ва урф-одатларнинг излари авлодлардан авлодларга одат тариқасида сақланиб қолмоқда. Хуллас, зардуштийлик эътиқодининг ўзбек халқи турмуш тарзидаги изларини тадқиқ қилиш натижасида зардуштийлик ўтмиш аجدодларимизнинг эътиқодий қарашлари тизимида асосий ўринлардан бирини эгаллаганлигига ва азалдан бизнинг заминимизда вужудга келганлигига яна бир бор амин бўлдик. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, зардуштийлик дини билан боғлиқ бўлган қадимий маросим, урф-одат ва байрамларимизнинг қиммати ва афзалликларидан бири шундаки, улар аجدодларимизнинг табиий эҳтиёжлари заминида пайдо бўлган. Шу боисдан ҳам улар табиат билан узвий боғлиқ ва ҳар бири меҳнат жараёни ҳамда турмушнинг муҳим воқеаларига бағишланган.

ИЗОҲЛАР

¹ Зардуштийлик билан боғлиқ адабиётлар: *Springborg P.* The contractual state: Reflections on orientalism and despotism. History of political thought. Exeter, 1989. Vol. 8. № 3. P. 395—433; *Servis E. R.* Origins of the state and civilization. The process of cultural evolution. N. Y., Norton, 1975. XXI, 361 p.; *Рапопорт Ю. А.* Из истории религии древнего Хорезма. М., Наука; *Boyce M. A.* History of Zoroastrianism. Vol. 2 (Hand-buch der Orientalistik). Leiden, 1982; *Рак И. В.* Мифы Древнего и раннесредневекового Ирана (зороастризм). СПб., Москва, 1998; *Исҳоқов М. М.* Авестонинг туркий ўзбекча ўғирмасидан. Фан ва турмуш. 1993, № 3—4, 22—23-бетлар. *М. Исҳоқов ва Р. Сулаймонов.* Заратуштранинг ватани ва яшаган даврига оид мулоҳазалар. Ўзбекистон тарихи, 1999, № 1. 45—54-б. *Р. Абдукомиллов.* Авестийские тексты о Государственности и праве: Вопросы генезиса и эволюции структуры. O'zbekiston tarixi 2000, № 3. 9—24-бетлар.

² *Сулаймонова Ф.* Шарқ ва ғарб. Тошкент, 1997. 35-бет.

³ *Маковельский А. О.* Авеста. С. 134.

⁴ *Маковельский А. О.* Ўша асар. С. 134.

⁵ История таджикского народа. С. 168—169. Ист. Ирана. С. 39.

⁶ Ясна 48, 1; Ясна 5, 8; А. В. Левшин таржимаси. Ист. таджик. народа. С. 182.

⁷ *Маковельский А. О.* Авеста. С. 100.

⁸ Авесто. Ахурамазда қасидаси. А. Маҳкам таржимаси. Санъат, 1991, № 3. 9-бет.

⁹ Зардуштийлик маросимларига оид адабиётлар тўғрисида батафсилроқ қаранг: *Boyce M. A.* History of Zoroastrianism. Vol. 2 (Hand-buch der Orientalistik).— Leiden, 1982; *М. Бойс.* Зороастрийцы. Верования и обычаи. М., 1988; *Дорошенко Е. А.* Зороастрийцы в Иране. М.: Наука, 1982; *Аширов А.* Фарғона водийси аҳолиси турмуш тарзида зардуштийлик излари. “Авесто” китоби — тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаи” мавзуидаги илмий-амалий семинар материаллари. 2000. 61—65-бетлар.

¹⁰ *Маковельский А. О.* Авеста. С. 126.

¹¹ *Маковельский А. О.* Авеста. С. 94.

¹² *Дьяконов И. М.* История Мидии с древнейших времен от конца IV в. до нашей эры. М. Л., 1956. С. 404.

¹³ *Бернштам А. Н.* Древняя Фергана. Т., 1951. С. 19—21.

¹⁴ Қаранг: *Сулаймонова Ф.* Шарқ ва ғарб. 37-бет.

¹⁵ Бу ерда зардуштийларнинг 3 этикаси: эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амаллари ҳақида сўз кетяпти. Қаранг: *М. Бойс.* Зороастрийцы. Верования и обычаи. С. 42.

¹⁶ *Бойс М.* Зороастрийцы. С. 43—44.

¹⁷ *Жавлиев Т.* Аңғаналар ҳаёт сабоғи. Т., 1992. 28-бет.

- ¹⁸ *Маковельский А. О.* Авеста. С. 86.
- ¹⁹ *Дала ёзувлари.* 1998 й. Наманган в. Турақўрғон т. Олчин қишлоғи.
- ²⁰ Деҳқончилик билан шуғулланувчи Ўрта Осиё халқлари ўртасида Бободехқон култи, у билан боғлиқ маросим ва удумлар кенг тарқалган. Деҳқонлар тасаввурларига кўра, Бободехқон ҳалол меҳнат билан кун кўрувчи, ўзгалар ҳақидан хазар қилувчи, уларнинг меҳнат унумига унум қўшувчи пир бўлиб, у айна саҳар пайтида деҳқонлар кўтарган хирмонларда пайдо бўлармиш. Эрта туриб меҳнат қилаётган, етиштирилган донни тўкилиб-сочилиб кетишидан асраб, барака улашар эмиш. Қаранг: *Саримсоқов Б.* Меҳнат қўшиқлари. Ўзбек фольклоридан очерклар. Т., 1988. 1-т. 233-бет.
- ²¹ *Дала ёзувлари.* 1997 й. Фарғона в. Олтиариқ т. Кумирчи қишлоғи.
- ²² *Қорабоев У.* Ўзбекистон байрамлари. Т., 1991. 14-бет.
- ²³ *Т. Мирзаев., М. Жўраев.* Асрларни мунаввар қилган байрам. Наврўз. Тошкент, Фан, 1992. 4—15-бетлар.
- ²⁴ Қаранг: *Пещерева Е. М.* Праздник тюльпана (лола) в сел. Исфара Кокандского уезда. Сбр. В. В. Бартольд. Т., 1927. С. 374—380; *Снесаров Г. П.* Реликты... С. 205—206; *Хамраев А. Х.* Праздник красной розы. Изб. АН УзССР. 1958, № 5. С. 21—26.
- ²⁵ *У. Қорабоев.* Ўзбекистон байрамлари. Т., 1991. 29—31-бетлар.
- ²⁶ *Дала ёзувлари.* 1998 й. Чуст тумани Қорақўрғон қ.; Янгиқўрғон т. Заркент қ.; Косонсой т. Ровот қ.; Турақўрғон т. Шаҳанд қ.
- ²⁷ *Дала ёзувлари.* 1999 й. Наманган в. Турақўрғон т. Олчин қ.
- ²⁸ *Дала ёзувлари.* 1998 й. Наманган в. Турақўрғон т. Хужанд қ.; *Пещерева Е. М.* Праздник тюльпана (лола) в сел. Исфара. С. 218.
- ²⁹ *Дала ёзувлари.* 1999 й. Наманган в. Турақўрғон т. Шаҳанд қ.; Турақўрғон т. Хужанд қ.; Турақўрғон т. Жанжал қ.; Турақўрғон т. Ахси қ.
- ³⁰ *Boyse M. A.* History of Zoroastrianism. Vol. 2 (Hand-buch der Orientalistik). Leiden, 1982. P. 52.
- ³¹ *Сулаймонов Р. Ҳ.* ва *Исҳоқов М. М.* Заратуштранинг ватани ва яшаган даврига оид мулоҳазалар. Ўзбекистон тарихи. 1999, № 1. 47—48-бетлар.
- ³² *Харузин Н.* Этнография верования. СПб., 1905. С. 322.
- ³³ *Басилов В. Н.* Тюркоязычных народов мифология. Мифы народов мира. М., 1992, Т. 2. С. 538.
- ³⁴ *Дала ёзувлари.* 1998 й. Наманган в. Косонсой т. Ровот қишлоғи.
- ³⁵ Бу мақсад йўлида ўтинни сув билан тозалаш бевосита Авестода ҳам мавжуд (Вендидод VII, 28—31).
- ³⁶ *Дала ёзувлари.* 1999 й. Наманган в. Чуст т. Шўрақўрғон қишлоғи.
- ³⁷ *Шаниязов К. Ш.* К этнической истории узбекского народа. С. 230—231.
- ³⁸ *Фирдавсий. Шохнома.* Т., Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1975. 52—53-бетлар.
- ³⁹ *Беруний.* Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. 275-бет.
- ⁴⁰ *Дала ёзувлари.* 1999 й. Наманган в. Косонсой т. Косонсой ш.; *Андреев М. С.* Поездка в лето 1928 г. в Касанский р-н (север Ферганы). Изв. общ. для изуч. тадж. и иранских народностей за его пределами. Т., 1925. С. 111—112.

- ⁴¹ Дала ёзувлари. 1999 й. Наманган в. Косонсой т. Косонсой ш. Хуррият кўчаси.
- ⁴² *Маковельский А. О.* Авеста С. 123.
- ⁴³ *Саримсоқов Б.* Ўзбек маросим фольклори. Ўзбек фольклори очерк-лари. Т., 1986. 157—164-бетлар.
- ⁴⁴ Қаранг: *Саримсоқов Б.* Ўша асар. 67-бет.
- ⁴⁵ *Маковельский А. О.* Авеста. С. 123.
- ⁴⁶ *Маковельский А. О.* Авеста. С. 126.
- ⁴⁷ *A. V. W. Jackson.* Persia. Past and Present. L. 1906. С. 335.
- ⁴⁸ *Снесарев Г. П.* Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. С. 132.
- ⁴⁹ *Маковельский А. О.* Авеста. С. 130.
- ⁵⁰ Дала ёзувлари. 1999 й. Наманган в. Косонсой т. Ровот қишлоғи.
- ⁵¹ Ушбу маълумот ЎЗР ФА Тарих институти илмий ходими М. Қариддиновадан ёзиб олинди.
- ⁵² *Сулаймонов Р., Исҳоқов М.* Заратуштрининг ватани ва яшаган даврига оид мулоҳазалар. Ўзбекистон тарихи. 1999, № 1: 46-бет.
- ⁵³ *М. Бойс.* Зороастрийцы. С. 57-58.
- ⁵⁴ *Маковельский А. О.* Авеста. С. 103.
- ⁵⁵ *М. Воусе.* A History of Zoroastrianism. P. 57.
- ⁵⁶ *Бичурин Н. Н.* (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. 2, М. Л., 1950. С. 262.
- ⁵⁷ Дала ёзувлари. 1999 йил. Тожикистон р. Ленинобод в. Хўжанд шаҳри.
- ⁵⁸ *Снесарев Г. П.* Реликты домусульманских верований... С. 159, 162.
- ⁵⁹ Дала ёзувлари. 1996 йил. Наманган в. Косонсой т. Ровот қишлоғи.
- ⁶⁰ *Маковельский А. О.* Авеста. С. 84.
- ⁶¹ *Маковельский А. О.* Юқоридаги асар. С. 128—129.
- ⁶² Дала ёзувлари. 1998 й. Наманган в. Косонсой т. Қозоқовул қ.
- ⁶³ *Толстов С. П.* Древний Хорезм. С. 318.
- ⁶⁴ *Толстов С. П.* Ўша асар. С. 317.
- ⁶⁵ Ўрта Осиё ҳудудида ўтказиладиган гап-гаштаклар ҳақида батафсилроқ қаранг: *Снесарев Г. П.* Традиция мужских союзов в его позднейшем варианте у народов Средней Азии. Материалы Хорезмской экспедиции. М., 1963, Вып. 7. С. 24—58. *Рахимов Р. Р.* Мужские объединения узбеков и таджиков Ферганской долины. Социальная история народов Азии. М., 1975. С. 33—48. Ўша муаллиф. “Мужские дома” в традиционной культуре таджиков. Л., 1990.
- ⁶⁶ *Каримов И. А.* Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., Ўзбекистон, 1997. 146-бет.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Қадимий маросимлар изидан	6
Асрларга тенгдош удумлар	18
Хотима	26
Изоҳлар	28

